

ИҚТИСОДИЙ ХУЛҚ МОҲИЯТИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Разаков Бекзод Муминович

Осиё Халқаро Университети магистранти

Иқтисодий ҳатти-ҳаракатлар бутунлай инсоннинг ақлий ва ҳиссий ҳолатига боғлиқ бўлганлиги сабабли, унга таъсир этиш қилиш ва ўзгартириш мумкин.

Иқтисодиёт-бу қандайдир тарзда аҳолига таъсир қиладиган жамият ҳаётининг соҳасидир. Айирбошлаш, сотиб олиш ёки сотиш, ишчи кучини ёллаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар иқтисодий ҳисобланади. Шунинг учун иқтисодий тарихнинг бошланиши инсоният тарихининг бошланиши деб ҳисобланади. Биз иқтисодий муносабатларнинг иштирокчилари ҳисобланамиз. Инсонлар, корхоналар, давлатлар ўз ҳаракатлари билан ҳар доим минимал харажатлар эвазига максимал фойда олишга интилишади.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг барқарорлашуви, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, одамларда меҳнатга, моддий неъматларга муносабатларнинг ўзгаришини тақозо этади. Кичик ва ўрта бизнес, оилавий бизнес, фермерлик ҳаракати, қўшма корхоналарда тадбиркорликнинг самарали усуллари жорий этиш, ушбу фаолиятга имкон берувчи шахс сифатларини тарбиялаш, одамлар тафаккурида янгича қарашларни шакллантириш психологиянинг муҳим масалаларидан ҳисобланган мотивация муаммосини изчил илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Рус олими профессор А.А.Криловнинг ёзишича, инсон илк ёшлик даврида ноқулай муносабатлар доирасида ва таъсирида бўлади. Илк болаликдан, у олди-сотти, алмашилиш муносабатларида бўлади ва ҳар доим танлов асосида иш юритади. Ҳаёт инсонларни харид қилиш, йўқотиш, ортириш, иш кучини табиий ва нотабиий рағбатларга алмаштириш ва бунда фойдалироқ, керакли, самаралисини танлашга ўргатади. Танловнинг натижаси эса - фойда ва йўқотишлар ҳисобланади, таққосланади, қанча сарфланган (куч, вақт, қобилият, пул) ва олинган манфаат (ишланган ҳақ, фойда), шунингдек ўз эҳтиёжи ва қизиқишлари учун сарфланган йўқотишларга ҳам тааллуқлидир. Оддий кўрингани билан, бу иқтисодий жараёнлар қийин, сирли ва ўзига хос илмий изланишни талаб этади. Шундай қилиб, А.А.Криловнинг таърифича, иқтисодий психология -хўжаликни бошқарувчи субъект психологиясидир. Иқтисодий психология тарихига назар ташласак, иқтисодий ва психологик қонуниятларнинг асосланишида бир қатор буюк иқтисодчилар томонидан ўзига хос улуш қўшилганини кўришимиз мумкин.¹

Замонавий иқтисодиёт истеъмолчилик хулқ-атвори масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Хулқ-атвор иқтисодиёти эса ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

¹ Тилавов М. Ҳ., Болтаев С.Б. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари. “Психология” илмий журнали, №4, 2021 йил

- Иқтисодий математика;
- Бухгалтерия;
- Психология.

Иқтисодий психология бутун шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнини мувофиқлаштирадиган тўртта компонент тўғрисидаги асосий маълумотларни ўзида мужассамлаштиради:

- ўзини ўзи баҳолаш,
- иқтисодий қобилиятлилик,
- иқтисодий роллар
- иқтисодий малака.

Юқорида изоҳланган компонентлар ўз навбатида шахс ўз фаолиятлари давомида эришадиган асосий иқтисодий натижани баҳолаш учун асосий восита саналади.²

Албатта, инсон омилини ўрганар эканмиз, унинг ёш хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолати бунга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Баркамол шахс шаклланар экан, айниқса, илк ўспиринлик даврида уларнинг масъулиятлилик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Бу даврда бола ўз жамияти қадриятларини иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни маҳсули ҳисобланадиган иқтисодий масъулиятлиликни шаклланиш босқичида илк ўспиринларда юқори/паст даражада тараққий этган шахс хулқ-атвор тизимига йўналган маълум бир даражадаги қадриятлар тизими шаклланиши содир бўлади. Шахснинг қадриятларга йўналганлик тизими ментал қадриятлар таъсири остида шакланса-да, лекин унинг таъсир кўлами устувор ижтимоий-иқтисодий сиёсат ёки бевосита уни ўраб турган ижтимоий муҳит томонидан қатъий тарзда белгиланмаганлиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотлар олиб борган хорижлик ижтимоий психологлар (масалан, Н.А. Журавлева)нинг фикрича, иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига:

- шахс истиқомат қилаётган умумий ижтимоий-иқтисодий вазият;
- оилавий установка ва қадриятлар;
- иқтисодий фаолиятда истеъмолчи сифатида намоён бўлиши каби узвийликдаги учта асосий шарт-шароит таъсир ўтказар экан.

Иқтисодий психологияда кўзда тутилганидек, болалар ёшлари улғайгани сари дунёқараш кенгайиб, иқтисодий хулқ-атворлари конкретлашиб боради. Уларда тадбиркорлик хислатларини кучайтириш учун эса иқтисодий билимларни ўргатиш, бу жараёни тўғаракларда фаол иштирок этишларини ташкил этиш орқали мукаммаллаштириш мумкин. Шунингдек, уларнинг турли ишлаб чиқариш корхоналарида саёҳатларини ташкил этиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.

² Н.Ш. Умарова, ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ КОНЦЕПЦИЯСИ: НАЗАРИЯДАН АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САРИ. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2013 йил

АДАБИЁТЛАР:

1. Н.Ш. Умарова, Иқтисодий ижтимоийлашув концепцияси: назариядан амалий тадқиқотлар сари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2013 йил.
2. Тилавов М. Ҳ., Болтаев С.Б. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг этнопсихологик хусусиятларини ўрганиш дастури ва тадқиқот натижалари. “Психология” илмий журнали, №4 ,2021 йил
3. Doniyorbek, N. (2023). BOLALAR UCHUN ZAMONAVIY SUV MUOLAJALARI MAJMUASINI YARATISH. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN, 523-527.
4. Qo'ziyevich, E. I., & Elmuradovna, J. E. (2023). Qadimgi qarshi shahri arxiologik yodgorliklari arxitekturasini ilmiy tahlili. Arxitektura, muhandislik va zamonaviy texnologiyalar jurnali, 2(2), 58-61.
5. Qo'ziyevich, E. I., & Elmuradovna, J. E. (2023). The scheme of territorial placement of agglomeration commercial and household complexes in Uzbekistan. Arxitektura, muhandislik va zamonaviy texnologiyalar jurnali, 2(2), 62-67.
6. Maxmatqulov, I. T. (2022). Scientific analysis of the Erkurgan historical and archeological complex in Karshi district of Kashkadarya region. Journal of Architectural Design, 4, 27-31.
7. Elmuradovna, J. E., & Qo'ziyevich, E. I. (2023). BUXORO ARKINING ARXITEKTURAVIY SHAKLLANISHI. ARXITEKTURA, MUHANDISLIK VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR JURNALI, 2(2), 75-78.